

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ ШУҲРАТ ШАМСИДДИНОВИЧ

***ВОМБУХ МОРИ* ХИТОЗАНИ АСОСИДА
ИНТЕРПОЛИЭЛЕКТРОЛИТ КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ОЛИНИШИ ВА
ХОССАЛАРИ**

02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Худойбердиев Шухрат Шамсиддинович

Bombyx mori хитозани асосида интерполиэлектролит
комплексларнинг олиниши ва хоссалари..... 3

Худойбердиев Шухрат Шамсиддинович

Синтез и свойства интерполиэлектролитных комплексов на основе
хитозана *Bombyx mori* 21

Khudoyberdiev Shuhrat Shamsiddinovich

Synthesis and properties of interpolyelectrolyte complexes based on
chitosan *Bombyx mori* 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ ШУҲРАТ ШАМСИДДИНОВИЧ

***ВОМБУХ МОРИ* ХИТОЗАНИ АСОСИДА
ИНТЕРПОЛИЭЛЕКТРОЛИТ КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ОЛИНИШИ ВА
ХОССАЛАРИ**

02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/K278 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Воҳидова Нойира Раҳимовна кимё фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Каримов Аминжон Каримович кимё фанлари доктори, профессор Инагамов Собитжон Якубжонович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация химояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» июнь соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶ уй. Тел.:(+99871) 241-85-94, факс: (+99871) 241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «__»__ куни тарқатилди.

(2022 йил «__»__ даги __ рақамли реестр баённомаси).

С.Ш. Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

М.М. Усмонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., катта илмий ходим

А.А. Атаханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тиббиёт, агросаноат комплекси, тўқимачилик саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларида самарали қўлланиладиган полианион ва полиамфолитли хитозаннинг интерполиэлектролит комплексларига (ИПЭЖ) талаб ортиб бормокда.

Ҳозирги вақтда ИПЭЖ ларни олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва улар асосида янги турдаги истиқболли дори воситаларини яратиш бўйича тадқиқотлар фаол олиб борилмокда. Шу муносабат билан бинар ва уч компонентли комплексларни олишнинг фундаментал асосларини ўрганиш, уларнинг ўзаро таъсири, ИПЭЖ сирт қаватининг зарядини тартибга солиш, шунингдек, токсик бўлмаган полимер материалларни яратиш ҳамда уларни қўллаш соҳаларини излаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, республикада саноат чиқиндиларини утилизация қилиш ва улар асосида иқтисодий ўсиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни илмий асосланган қўллаб-қувватлаш учун самарали, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, рақобатбардош полимер маҳсулотлар ишлаб чиқаришда салмоқли натижаларга эришилмокда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...» вазифалари белгилаб берилган. Шу муносабат билан пахта ва ипак матоларнинг мустақамлиги ва ранг интенсивлигини ошириш учун тўқимачилик саноатида қўлланилиши мумкин бўлган бинар ва уч компонентли ИПЭЖ ларни олишга қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида тадқиқотчиларнинг катта эътибори табиий ва синтетик полиэлектрولитлар асосида интерполиэлектрولит комплексларини олиш, шунингдек, уларнинг комплекс хоссаларини ўрганиш ва амалиётда қўлланилишига қаратилган. Кўп сонли нашрлар, асосан, мақсадли доридармонларни етказиб бериш учун полимер матрицаси сифатида, тупрокда структура ҳосил қилиши учун ва бошқа мақсадларда ишлатиладиган ИПЭКларни тайёрлашга бағишланган. Хусусан, хорижлик олимлар, жумладан Краюхина М.А., Паламарчук И.А., Савицкая Т.А., Lewandowska K., Hua Y., Rubina M.S., Mun L.S., Widiyanti P., Бежин А.И., Elango J., Gopinathan J., Бектуров Е.А., Ярославов А.А., Изумрудов В.А., Кудайбергенов С.Е., Панова И.Г. ва бошқалар томонидан полиэлектрولит комплексларининг замонавий фундаментал ва амалий жиҳатлари бўйича тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам полимер комплекслари бўйича шу каби тадқиқотлар к.ф.д., ЎЗР ФА академиги Рашидова С.Ш., к.ф.д., проф. Муҳаммедов Г.И., к.ф.д., проф. Мухамедиев М.Г., т.ф.д., проф. Инагамов С.Я., к.ф.н., доц. Қодирхонов М.С. ва бошқалар шу йўналишдаги илмий муаммоларни ҳал этиш ва халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун турли препаратлар яратишга ҳисса қўшмоқдалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ХЗ, коллаген ва Na-КМЦ асосида бинар ва уч компонентли полиэлектрولит комплекслар олишнинг ўзига хослиги, реакция шароитлари уларнинг физик-кимёвий ҳамда гидродинамик ва реологик хусусиятларига таъсири, “синтез-тузилиш-хосса” орасидаги боғлиқлик етарлича ўрганилмаган. Бу соҳадаги фундаментал тадқиқотлар тўқимачилик саноати ва тиббиёт амалиёти учун токсик бўлмаган полимер препаратларини ишлаб чиқариш истиқболларини очади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти “Интерполиэлектрولит комплекслар ва металлополимерлар” лабораториясининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Bombux mori* хитозани асосида стехиометрик ва ностехиометрик бинар ва уч компонентли интерполиэлектрولит комплекслар синтези, комплекс ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ҳамда қўлланиш соҳаларини излашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лиофилловчи ва блокловчи полиэлектрولитлар нисбатларининг заррачалар гидродинамик диаметрига таъсирини ўрганиш, шунингдек, ИПЭК сирт қатламининг зарядини бошқариш;

бинар ва учкомпонентли полиэлектролит комплексларнинг гидродинамик, реологик ва термик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

pH=6,3 бўлган ацетатли буфер муҳитида *Bombyx mori* хитозани асосида бинар ва уч компонентли барқарор ИПЭК олишнинг оптимал шароитларини аниқлаш;

олинган ИПЭК ларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш асосида «синтез-таркиб-хосса» орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ҳамда тўқимачилик саноатида пахта матоларини бўйаш ва гул босиш жараёнида бинар комплекслардан фойдаланиш мумкин бўлган йўналишларини излаш.

Тадқиқотнинг объекти *Bombyx mori* хитозани, коллаген, Na-КМЦ ва улар асосидаги интерполиэлектролит комплекслар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети *Bombyx mori* хитозани асосида бинар ва уч компонентли барқарор интерполиэлектролит комплексларни синтез қилиш учун оптимал шароитларини аниқлаш ҳамда комплекслар сирт қаватининг зарядини бошқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда элемент таҳлил, ИҚ- ва УБ-спектроскопия, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), электрофорез, ёруғликнинг динамик тарқалиши (ДЛС), Litesizer, микроскопик усул (АСМ), термик таҳлиллар (ТГ, ТПП ва ДТА), кондуктометрик ва потенциометрик титрлаш каби классик ва замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор pH=6,3 бўлганда *Bombyx mori* хитозани асосида бинар комплекслар олишнинг оптимал шароитлари аниқланган, уларнинг таркиби ва сирт қаватининг зарядини бошқариш шароитлари топилган;

биополимерлар асосида ташқи қават заряди (Q(+), Q(-), Q(0)) бошқариладиган уч компонентли ИПЭК олиш методикаси ишлаб чиқилган;

илк бор *Bombyx mori* хитозани асосида стехиометрик ва ностехиометрик ИПЭК заррачаларининг диффузия коэффициенти ва гидродинамик диаметри аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахта матоларини бўйаш ва гул босиш жараёнида бўёқ ёрқинлиги, интенсивлиги ва мустаҳкамлигини оширишда самарали восита сифатида ўзини намоён қилган ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатида олинган полиэлектролит комплекс эритмасининг концентрацияси ва оптимал таркиби топилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. кимёвий, физикавий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари билан исботланган. Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг республика миқёсидаги ва халқаро конференцияларда апробация қилиниши, шунингдек, ЎзР ОАК томонидан тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилиниши билан тасдиқланади. Олинган экспериментал натижалар аниқ, такрорланадиган ва бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотларга зид келмайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти синтезнинг бошқариладиган таркиби ва

интерполиэлектролит комплекслари сирт қаватининг заряди билан амалга оширилиши ва "синтез-таркиб-хосса" муносабатини аниқлаш билан изоҳланади. Заррачалар гидродинамик диаметрининг катталиги кўп жиҳатдан блокловчи ва лиофилловчи компонентлар нисбатига, эритманинг рН қийматига, реакцион аралашмага полиионларни киритиш тартиби каби омилларга боғлиқлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бошқариладиган таркиб ва заррача гидродинамик ўлчамига эга бўлган полимер комплексларини олиш усулининг ишлаб чиқилиши билан изоҳланади, бу эса уларни пахта матоларини бўйлаб жараёнида қўллашда муҳим омил ҳисобланади. ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатда бинар комплекслар "Kompaniya Unitex" Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) шароитида пахта матоларини қизил ва сариқ рангларда бўйлаб жараёнида синовдан ўтказилган бўлиб, бу ранг тўқлиги ва интенсивлигини оширишга олиб келган. ХЗ/коллаген ПЭЖ эритмасидан гул босиш жараёнида фойдаланиш расмининг аниқ контурини сақлаб қолиши, унинг мустақамлиги ҳамда интенсивлигини оширишини кўрсатган (2022 йил 16 мартдаги 1 ва 2-сон далолатномалар, "Kompaniya Unitex" МЧЖ ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти).

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошқариладиган сирт заряди билан боғлиқ бўлган ХЗ асосида ИПЭЖ олишнинг ўзига хос хусусиятларига кўра, қуйидагилар аниқланган:

ОТ-Ф-16 "Маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиб термоэластопластлар ва қатламли материалларнинг олиниши, хоссалари ва қўлланилиши" лойиҳа доирасида бошланғич макромолекулалар нисбати ўзгартирилиб, ўлчами ва термик барқарорлиги бошқариладиган стехиометрик ва ностехиометрик бинар ИПЭЖ олиш бўйича натижалар, хусусан, бошланғич макромолекулалар нисбатини ўзгартириш назорат қилинадиган ўлчам ва термик барқарорликка эга бўлган комплексларнинг шаклланишига ёрдам берган (16.04.2022 йил 400-сон маълумотнома).

"Хитозан/Ag нанокомпозитларининг олиниши ва хитозан молекуляр массаси, ацетилланиш даражаси ва ион кучининг Ag ни барқарорлаштиришга таъсирини ўрганиш" лойиҳаси доирасида нанозаррачалар олишда биополимерларнинг турли нисбатларида ўлчами ≥ 60 нм гача бўлган хитозан комплексларини олиш усулларида фойдаланилган (Хитой фан ва технология университети, Полимер фанлари ва муҳандислик кафедраси маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида тақдим этилган ва муҳокама қилинган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та иш, жумладан, ЎЗР ОАК томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола ва 13 та тезис чоп этилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ХЗни коллаген билан титрлаш эгри чизиғи ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатда чизикли бўлиб монотон равишда камаяди (1-расм, 1-чизик). ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатда ХЗ нинг протонланган аминотурухлари (NH_3^+) ўзаро коллагеннинг карбоксил турухларини (COO^-) тўлиқ компенсацияланиши натижасида минимум ўтказувчанлик кузатилди. Шундан сўнг, титрлаш эгри чизиғида тўлқинсимон чизик кузатилди, бу дастлабки коллагенни тавсифлайди (1-расм, 1-чизик, а соҳа). Бу эҳтимол, системада реакцияга киришмаган коллаген макромолекулалари пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.


ХЗ билан коллагеннинг ўзаро таъсири макромолекулаларнинг масса нисбатларини 1:0,1÷1:0,3 диапазонда ўзгартириб, вискозиметрик усулда уларнинг қовушқоқлиги ўрганилди (1-расм, 2-чизик). Ўлчашлар давомида ХЗ эритмасининг солиштирма қовушқоқлиги системага киритилган коллаген массасига боғлиқлиги аниқланди ва ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатда эритма қовушқоқлигининг нисбатан ортиши кузатилди. Эҳтимол, бу макромолекулаларнинг қарама-қарши зарядланган функционал турухларининг ўзаро максимал таъсирлашуви билан боғлиқ бўлиб, эритма қовушқоқлигининг оширишга олиб келади.

ХЗ, коллаген ва улар асосидаги комплекслар ИҚ-спектроскопик тадқиқотлари

ХЗ нинг ИҚ-спектрида 3358 см^{-1} тўлқин узунлигида $-\text{OH}$ ва $-\text{NH}_2$ турухларининг валент тебранишларига мос келувчи кенг ютилиш соҳалари кузатилган, шунингдек, 1653 см^{-1} ($\nu(\text{C}=\text{O})$ - амид I), 1572 см^{-1} ($\nu(\text{C}=\text{O}, \text{C}-\text{N}$ ва $\delta(\text{N}-\text{H})$ - амид II), 1421 см^{-1} ($\delta(\text{O}-\text{H})$), 1375 см^{-1} ($\delta(\text{CH}_3)$), ва 1151 см^{-1} ($\nu(\text{C}-\text{O}-\text{C})$), - валент тебранишлари кузатилган.



2-расм. хитозан (1) ва коллагеннинг (2) ИҚ-спектрлари



3-расм. ПЭЖ ИҚ-спектрлари, масс.:
ХЗ/коллаген=1:0,1 (1);
ХЗ/коллаген=1:0,2 (2) ва
ХЗ/коллаген=1:0,3 (3)

Коллагеннинг ИҚ-спектрида 3288 см^{-1} соҳада коллаген молекулалари структурасидаги амид турухининг ($\nu(\text{NH})$) ва 2935 см^{-1} соҳада $\text{C}-\text{H}$ боғларнинг валент ($\nu(\text{C}-\text{H})$) тебраниши кузатилди. 1635 см^{-1} даги ютилиш зонаси карбонил турухининг ($\nu(\text{C}=\text{O})$ - амид I), 1521 см^{-1} ($\nu(\text{C}=\text{O}, \text{C}-\text{N}$ ва


$\delta=(N-H)$ -амид II)), 1448 см^{-1} диапазонда амид-III гуруҳ ($\nu=(N-C-O)$) сигналлари пайдо бўлиши аниқланди (2-расм).

ХЗ/коллагеннинг ПЭК спектрларини $1:0,1 \div 1:0,3$ масса нисбатларида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ХЗ спектридан фарқли ўлароқ, ХЗ/коллаген= $1:0,1$ масса нисбат спектрида бироз силжишлар ва 3360 см^{-1} ($\nu=(O-H)$), 2860 см^{-1} ($\nu=(CH_3)$), 1574 см^{-1} ($\nu=(COO^-)$ - амид I), 1415 см^{-1} ($\delta=(NH_3^+)$ - амид II) ва 1379 см^{-1} ($\nu=(N-C-O)$ - амид III) катталашуш кузатилди (3-расм).

ХЗ/коллаген= $1:0,2$ масса нисбат спектрида баъзи силжишлар ва ютилиш зоналари интенсивлигининг ошиши мавжуд; 3267 см^{-1} ($\nu=(O-H)$), 2870 см^{-1} ($\nu=(CH_3)$), 1539 см^{-1} ($\delta=(NH_3^+)$ - амид II), 1381 см^{-1} ($\nu=(N-C-O)$ - амид III) ва 1645 см^{-1} да кучсиз елка ҳосил бўлиб, чўзиш тебранишларига ($\nu=(COO^-)$ - амид I) мос келади. Бу, эҳтимол, коллаген билан хитозан аминогруҳларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ. ХЗ/коллаген= $1:0,3$ масса нисбатли ИҚ-спектрда эса 2866 см^{-1} ($\nu=(CH_3)$), 1631 см^{-1} ($\nu=(COO^-)$ - амид I), 1519 см^{-1} ($\delta=(NH_3^+)$ - амид II) ва 1377 см^{-1} ($\nu=(N-C-O)$ -амид III) ютилиш зоналари интенсивлигининг бироз силжиши ва ортиши кузатилган. Кўриниб турибдики, амид II даги ютилиш спектрлари сезиларли даражада силжиган, аммо валент тебранишларнинг ютилиш чизиқлари ўзгармаган (3-расм).

Хитозан ва коллаген асосидаги полиэлектролит комплексларининг гидродинамик характеристикалари


ХЗ ва коллагеннинг $0,5\%$ ли эритмаларини $pH=6,3$ бўлган ацетат буферда аралаштириш орқали $1:0,1 \div 1:0,3$ масса нисбатда ПЭК лар олинди ва уларнинг гидродинамик кўрсаткичлари ўрганилди (4-расм).



4-расм. ПЭК заррача гидродинамик ўлчамларининг вақтга боғлиқлиги, масса:
1) ХЗ/коллаген=1:0,1;
2) ХЗ/коллаген=1:0,2;
3) ХЗ/коллаген=1:0,3

ПЭК нинг гидродинамик ўлчамларига вақтнинг таъсири ўрганилди ва макромолекулалар орасидаги ўзаро таъсир 10 ± 2 минут давом этиши, шундан сўнг заррачаларнинг ўлчамлари амалда ўзгармаслиги аниқланди. Натижалар шуни кўрсатадики, ХЗ/коллаген= $1:0,2$ масса нисбатда заррача ўлчамлари 570 дан 250 нм гача камаяди ва 6 минут ўзаро таъсирдан кейин улар 700 нм гача катталашган. Шунга мувофиқ, $3-12$ дақиқа ичида ХЗ/коллаген= $1:0,1$ ва ХЗ/коллаген= $1:0,3$ масса нисбатларда ПЭК зарраларининг ўлчамлари дастлаб 180 дан 250 нм гача ва 270 дан 380 нм гача ошади, лекин 9 дақиқадан сўнг бироз пасайиш кузатилган.


Шуни таъкидлаш керакки, ПЭК зарраларининг энг муҳим параметрларидан бири бу диффузия коэффиценти бўлиб, унинг қиймати заррачаларнинг гидродинамик радиусига тескари пропорционалдир. (5-расм).



5-расм. ПЭК ХЗ/коллаген масса нисбатли заррача ўлчамлари (1) ва диффузия коэффиценти (2) га боғлиқлиги, эритувчи - ацетат буфер рН=6,3; τ -12 мин, ХЗ нинг масса нисбати доимий, 1 га тенг.

Ўлчов натижаларига кўра, полиэлектролит комплекслари ҳосил бўлганда, заррача диаметри 5 марта камайган. ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатда ПЭК заррачалари 2,5 баробарга камайган ва бу нисбатда энг юқори диффузия коэффиценти кузатилади, бу назарияга мантқан тўғри келади.

ХЗ/коллаген 1:0,1 дан 1:0,3 гача бўлган ҳар хил масса нисбатдаги комплексларининг сирка-сувли эритмаларидан плёнкалари қуришиб олинган. ПЭК ХЗ/коллаген плёнкаларининг морфологияси АКМ ёрдамида ўрганилган (6-расм).



6-расм. Полимер матрица юзасида ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатдаги заррачаларининг АКМ тасвири ва гистограммаси


Микроскопик тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ХЗ/коллаген комплексларида, танланган синтез шароитида бошланғич макромолекулалар нисбатидан қатъий назар, ўртача ўлчами тахминан ≤ 60 нм гача бўлган носферик нанозаррачалар ҳосил бўлади ва уларнинг тарқалиши унимодал характерга эга. Шуни таъкидлаш керакки, ХЗ/коллаген=1:0,1, ХЗ/коллаген=1:0,2 ва ХЗ/коллаген=1:0,3 масса нисбатларда нанозаррачалар бир ўлчамда мос равишда 15÷35; 25÷60 ва 32÷50 нм диапазонда ҳосил бўлади ва заррачалар полимер матрицаси юзасида нисбатан бир текис тақсимланган.

Умуман олганда, ИПЭК заррачаларининг катталиги DLS усули билан олинган маълумотларга тўғри келади. Шу билан бирга, АКМ тадқиқотлари

натижалари кўшимча равишда шуни кўрсатадики, катта ўлчамга қарамай, ИПЭК зарраларининг кўринадиган қисми плёнкалар юзасида бир хил тарзда тақсимланади.

ХЗ/Na-КМЦ ИПЭК ларининг таркиби ва гидродинамик ўлчамларини аниқлаш

ИПЭК синтези буфер эритмаларда рН=3,5 ва рН=6,3 да Na-КМЦ билан ХЗнинг комплекс ҳосил бўлиши полиэлектролит эритмаларининг электрофоретик ҳаракатчанлигини (ЭХ) ўлчаш йўли билан ўрганилди (7-расм).



7-расм. *Bombux tori* хитозани эритмалари электрофоретик ҳаракатчанлигининг Na-КМЦ концентрациясига бўлиқлиги:
 $[ХЗ]=5 \cdot 10^{-4}$ моль/л;
 $[Na-КМЦ]=7,5 \cdot 10^{-3}$ моль/л;
 эритувчи- -
 $[CH_3COOH+CH_3COONa]=5 \cdot 10^{-3}$ моль/л+ 10^{-3} М КСл; 1-рН=3,5; 2-рН=6,3


Олинган натижалар шуни кўрсатадики, рН=3,5 да 1 г ХЗ ва 0,76 г Na-КМЦ (1:0,5 моль нисбатда) билан ўзаро таъсирида стехиометрик комплекслар ҳосил бўлади, рН=6,3 да 1 г ХЗ ва 0,55 г Na-КМЦ (1:0,34 моль нисбатда) билан реакцияга киришади. Бундай нисбатларда поликатион ва полианионнинг функционал гуруҳлари ўзаро тўлиқ компенсацияланади. Бу нисбатдан катта ва кичик нисбатларда тегишлича Q(+), Q(-) нестехиометрик комплекслар ҳосил бўлади.

ХЗ, Na-КМЦ ва уларнинг стехиометрик ва ностехиометрик ИПЭКларининг заррача ўлчами DLS усули билан ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал. ХЗ/Na-КМЦ ҳар хил моль нисбатларида ИПЭК заррачаларининг гидродинамик диаметри

№	ХЗ/Na-КМЦ, моль нисбат	d, нм	d, мкм
1	1:0,1	107 (92,7 %)	9 (7,3 %)
2	1:0,2	111 (94,2 %)	2.1 (5,8 %)
3	1:0,3	148 (100 %)	-
4	1:0,34	343 (89,2%)	31 (10,8 %)
5	1:0,4	112.3 (100%)	-

DLS натижалари шуни кўрсатадики, заррачаларнинг тарқалиши ассиметрик бўлиб, бу турли шакл ва ўлчамдаги заррачаларнинг шаклланишини кўрсатади. ИПЭКда Na-КМЦ нинг кўпайиши билан ХЗ/Na-КМЦ нинг барча моль нисбатларида, нано- ва микрзаррачаларнинг ўлчамлари мос равишда катталашган (1-жадвал). Реакцион системада зарядланган функционал гуруҳларнинг камайиши ИПЭК заррачаларининг агрегациясига олиб келади (1-жадвал, №4), бу маълумотлар илмий адабиётлар натижаларига мос келади.



8-расм. ИПЭК эритмаси оптик зичлигининг Na-КМЦ моль нисбатига боғлиқлиги


ХЗ/Na-КМЦ ИПЭК эритмаларининг оптик зичлигидаги ўзгаришлар $\lambda_{\max}=218$ нм да кузатилди (8-расм). ХЗ/Na-КМЦ=1:0,34 моль нисбатдаги ИПЭК бошқаларга қараганда юқори оптик зичликка эга эканлиги аниқланди. Тахминларга кўра, бу нисбатда хитозан ва Na-КМЦ нинг зарядланган функционал гуруҳлари стехиометрик нисбатда ўзаро таъсир қилиб, сувда эримайдиган ИПЭКларни ҳосил қилади. $Q(-) > 1:0,34$ моль ($Q(0)) < Q(+)$ да ностехиометрик ХЗ/Na-КМЦ комплекслари ҳосил бўлади.

Диссертациянинг «Уч компонентли интерполиэлектролит комплексларнинг олиниши ва хоссалари» номли тўртинчи бобида ХЗ/Na-КМЦ/коллаген ва ХЗ/коллаген/Na-КМЦ комплексларнинг олиниши, уларнинг таркиби, заррачалар ўлчамлари ва физик-кимёвий хоссалари, шунингдек, ИПЭКнинг пахта матоларини бўйлаб жараёнига таъсири бўйича экспериментал натижаларни тақдим этилган.

pH=6,3 ва магнитли аралаштиргичда ИПЭК эритмалари (Q(+), Q(-), Q(0)): ХЗ/Na-КМЦ=1:0,50 масса нисбат (1), ХЗ/Na-КМЦ=1:0,37 масса нисбат (2) ва ХЗ/Na-КМЦ=1:0,75 (3) масса нисбатлар 0,05% ли коллаген эритмаси билан титрланди (9-расм).

Таркибида ХЗ/Na-КМЦ=1:0,50 масса нисбатли эритма Q(0) 0,05% коллаген эритмаси билан титрланган ва ХЗ/Na-КМЦ/коллаген=1:0,50:0,08 масса нисбатида коллагеннинг эркин мусбат зарядлари билан ўзаро таъсир қилувчи уч компонентли комплекс ҳосил бўлиши аниқланган. ИПЭК юзаси Н-Н боғлари ва электростатик ўзаро таъсирлашади, чунки

полиэлектролитларнинг функционал гуруҳларининг ўзаро компенсацияси туфайли стехиометрик бинар комплекс юзасидаги зарядлар йиғиндиси нолга тенг (9-расм, 1-эгри чизик).



9-расм. ИПЭК X3/Na-КМЦ эритмасининг pH=6,3 да коллаген электр ўтказувчанлигига таъсири:
1) X3/Na-КМЦ=1:0,50 масса.
2) X3/Na-КМЦ=1:0,37 масса.
3) X3/Na-КМЦ=1:0,75 масса.

Таркибида X3/Na-КМЦ=1:0,37 масса (Q(+)) бўлган эритмани коллаген эритмаси билан титрланганда эритма электр ўтказувчанлигининг ўзгаришига кўра (9-расм, 2-эгри чизик), комплекс сиртидаги мусбат зарядларни тўлик қоплаш учун, полиэлектролитлар қуйидаги нисбатда ўзаро таъсир қилиши аниқланди: X3/Na-КМЦ/коллаген=1:0,37:0,03 масса нисбат (Q(+)). Шунингдек, ИПЭК эритмасини титрлаш натижасида X3:Na/КМЦ=1:0,75 масса (Q(-)) 0,05% коллаген эритмаси билан (9-расм, 3-эгри чизик) бинар комплекснинг сиртки каватидаги манфий зарядларини тўлик қоплаш учун 0,01 масса коллаген зарурлиги аниқланди. Уч компонентли комплекснинг сирт заряди манфий (Q(-)) бўлиши, коллагеннинг манфий зарядланган функционал гуруҳлари мавжудлиги сабабли.

Уч компонентли X3/NaКМЦ/коллаген комплексларнинг синтезланган намуналари заррачаларининг гидродинамик параметрларини ўрганиш

DLS ёрдамида X3, Na-КМЦ, коллаген ва уч компонентли комплексларнинг макромолекулалари гидродинамик ўлчамлари аниқланди ва ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатадики, бошланғич макромолекулалар зарраларининг 64-88% микрон ўлчамига эга ва заррачаларнинг атиги 12-36% нано ўлчамли бўлган. Бироқ, уч компонентли ИПЭКларни олишда, одатда, заррачалар ўлчамининг қисқариши кузатилди. Шуни таъкидлаш керакки, X3/Na-КМЦ бинар ИПЭКларини олишда заррачалар ўлчамининг пасайиши экстремалдир, яъни полиэлектролит комплексларининг 85-93% нанозаррачалар ҳосил бўлди. Эҳтимол, бу қарама-қарши зарядланган макроионларнинг ўзаро таъсири туфайли полимер ўрамининг сиқилиши билан боғлиқ бўлиб, бу зичроқ ўрам ҳосил бўлишига ёрдам беради. Бинобарин, нисбатан кичик заррачалар мос равишда 98÷119 нм диапазонда 88 дан 95% гача ҳосил бўлади. Системага коллагенни кейинги киритиш X3/NaКМЦ/коллаген=1:0,75:0,01 масса нисбатда ИПЭК заррачалари

ўлчамининг катталашушига олиб келади. Бу кўрсатилган нисбатда, сирт зарядининг мавжудлиги ($n^+/n^- \approx 1$) сабабли, ИПЭК зарраларининг агрегацияси содир бўлишини кўрсатади.

ХЗ/Na-КМЦ/коллаген ИПЭК ларининг гидродинамик характеристикалари


Уч компонентли ХЗ/Na-КМЦ/коллаген ИПЭК лари $pH=6,3$ бўлган ацетат буферда олинган ва $1:0,75:0,01 \div 1:0,5:0,08$ масса нисбат диапазонда гидродинамик кўрсаткичлари ўрганилган.

ХЗ/Na-КМЦ нинг стехиометрик ва ностехиометрик бинар комплексларини олишда гидродинамик ўлчамлар камаяди, бу, эҳтимол, компакт тузилишга эга бўлган ИПЭКларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Коллаген масса нисбатининг янада ортиши гидродинамик ўлчамнинг катталашувига олиб келади, бу эҳтимол, системада полиэлектролитларнинг ушбу $n^+/n^- > 1$ нисбати ҳосил бўлиши билан боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам, уч компонентли ИПЭК нинг энг муҳим параметрларидан бири унинг заррачаларининг диффузия коэффиценти бўлиб, унинг қиймати гидродинамик радиусга тескари пропорционалдир.

Тажиба натижаларига кўра, уч компонентли полиэлектролит комплекслар ҳосил бўлганда, заррача диаметри бошланғич макромолекулалар - ХЗ, Na-КМЦ ва коллагенга қараганда 8 марта камаяди. Уч компонентли ХЗ/Na-КМЦ/коллаген=1:0,75:0,01 масса нисбатдаги ПЭКда заррачалар диаметри 1,6 мартага камаяди ва энг юқори диффузия коэффиценти кузатилади, бу Эйнштейн-Стокс тенгламаси асосида ҳисобланган.

Ацетатли буфер муҳитида ХЗ/коллагеннинг Na-КМЦ билан ўзаро таъсирида уч компонентли комплексларнинг олиниши

ХЗ/коллагеннинг (Q(-)) ностехиометрик ИПЭКлари қуйидагича олинган: $pH=6,3$ бўлган ацетат буфердаги 20 мл $5 \cdot 10^{-3}$ М ХЗ эритмасига, 15 мкл дан томчилаб 3,22 мл 0,05 масса % нисбатли коллаген эритмаси қўшилган. Аниқланишича, ХЗ/коллаген=1:0,1 масса нисбатида ностехиометрик ПЭК (Q(+)) ҳосил бўлган. Кейин ХЗ/коллаген эритмаси $5 \cdot 10^{-3}$ М Na-КМЦ эритмаси билан титрланган.



10-расм. Na-КМЦ нинг ХЗ/коллаген эритмаси электр ўтказувчанликка таъсири (Q₊):
1) ХЗ/коллаген=1:0,1 масс.;
2) ХЗ/коллаген=1:0,2 масс.;
3) ХЗ/коллаген=1:0,3 масс.

Бу нисбатда уч компонентли комплекс ХЗ/коллаген/Na-КМЦ=1:0,1:0,54 (Q(0)) масса нисбатда ҳосил бўлиб, бунда ХЗ/коллаген=1:0,1 ИПЭК массасининг мусбат заряди манфий зарядланган Na-КМЦ функционал гуруҳлар билан тўлиқ компенсацияланади (10-расм 1-эгри чизик). Сирт қаватнинг бошқариладиган зарядига эга бўлган ХЗ/коллаген/Na-КМЦ комплекслари қуйидаги схема бўйича олинган:

1) pH=6,3 ацетат буферли 20 мл $5 \cdot 10^{-3}$ М ХЗ эритмасига 6,44 мл 0,05% коллаген эритмаси 10 дақиқа давомида 15 мкл дан кучли аралаштириб қўшилган. Кейин ҳосил бўлган ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатда (Q(+)) эритмаси $5 \cdot 10^{-3}$ М Na-КМЦ эритмаси билан титрланган. Электрўтказувчанлиги натижаларига кўра, ИПЭК ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбат тўлиқ ўзаро таъсири учун 0,65 масса Na-КМЦ кераклиги аниқланди (10-расм, 2-эгри чизик). Тадқиқот натижаларига кўра, танланган шароитда уч компонентли комплекс - ХЗ/коллаген/Na-КМЦ=1:0,2:0,65 масса нисбат ҳосил бўлади, сирт қаватнинг умумий заряди нолга тенг(Q(0)).

2) pH=6,3 ацетат буферли 20 мл $5 \cdot 10^{-3}$ М ХЗ эритмасига 9,66 мл 0,05% коллаген эритмаси 10 дақиқа давомида 15 мкл дан кучли аралаштириб қўшилган. Кейин ҳосил бўлган ХЗ/коллаген=1:0,3 массада (Q(+)) эритмаси $5 \cdot 10^{-3}$ М Na-КМЦ эритмаси билан титрланган.

ХЗ/коллаген/Na-КМЦ=1:0,3:0,75 массали эритмасини титрлашда уч компонентли комплекснинг сирт қавати нол зарядга эга (Q(0)) бўлиши аниқланди (10-расм, 3-эгри чизик).

ХЗ/коллаген/Na-КМЦ ИПЭК ларининг гидродинамик характеристикалари

Олинган уч компонентли ИПЭК ХЗ/коллаген/Na-КМЦ учун уларнинг гидродинамик параметрлари ўрганилди (2-жадвал). Юқорида айтилганидек, ИПЭК нинг энг муҳим параметрларидан бири унинг заррачаларининг диффузия коэффициенти бўлиб, унинг қиймати заррачаларнинг гидродинамик радиусига тескари пропорционалдир.

2-жадвал. Айрим гидродинамик кўрсаткичлар ва динамик қовушқоқликнинг ИПЭК таркибига боғлиқлиги: эритувчи - ацетат буфер, pH=6,3

№	Намуналар, масса нисбат	d, нм	D, см ² /сек	μ, дПа·с
1	ХЗ	2380	0,20	13
2	Коллаген	505	0,74	69
3	Na-КМЦ	203	2,41	75
4	ХЗ/коллаген=1:0,1 (Q(+))	383	0,09	11
5	ХЗ/коллаген=1:0,2 (Q(+))	803	0,04	19
6	ХЗ/коллаген=1:0,3 (Q(+))	250	0,15	17
7	ХЗ/коллаген/Na-КМЦ=1:0,1:0,54 (Q(0))	136	0,27	40
8	ХЗ/коллаген/Na-КМЦ=1:0,2:0,65 (Q(0))	180	0,21	58
9	ХЗ/коллаген/Na-КМЦ=1:0,3:0,75 (Q(0))	243	0,16	96

Дастлабки полиэлектрولитларнинг гидродинамик параметрларини ва улар асосида олинган ИПЭКларни ўлчаш натижалари шуни кўрсатадики, бинар ва уч компонентли полиэлектрولит комплекслари ҳосил бўлганда, заррача диаметри бошланғич макромолекулалар билан солиштирганда мос равишда 2 ва 10 мартага камаяди. Эйнштейн-Стокс тенгламасига кўра, молекуляр диффузия коэффициенти - D билан характеристикаланади, у қуйидагича аниқланади:

$$D = \frac{k \cdot T}{6\pi\eta r} \quad (1)$$

бу ерда: T - абсолют температура; η – эритма қовушқоқлиги; r – диффузияланадиган заррача радиуси; k – Больцман доимийси. Маълумотлар шуни кўрсатадики, заррачалар диаметри диффузия коэффициентига тескари пропорционалдир. Комплексларнинг стехиоетрик нисбатларида заррачаларнинг диаметри ортади, бу эса уларнинг тарқалишини мураккаблаштиради ва эритманинг фазали ажралишига олиб келади (5 ва 9-мисоллар).

Дастлабки полиэлектрولитларнинг динамик қовушқоқликлари, шунингдек, улар асосида бинар ва уч компонентли ИПЭКлар аниқланди. Шуни таъкидлаш керакки, бинар ИПЭК ҳосил бўлганда, хитозанни ўз ичига олган эритмага оз миқдорда коллаген киритилиши эритманинг динамик қовушқоқлигининг кескин (5-6 марта) пасайишига олиб келади. Бироқ, уч компонентли ИПЭКни олгандан сўнг, динамик қовушқоқлик аста-секин кўтарилиши кузатилди. Эҳтимол, бунинг сабаби коллаген макромолекуласининг чизиқли хитозан билан ўзаро таъсирида глобуляр ҳолатдан чизиқли ҳолатга ўтишидир.

ХЗ/коллаген бинар комплексига Na-КМЦ қўшилганда, коллагеннинг (NH_3^+) функционал гуруҳлари Na-КМЦ нинг -COO- гуруҳлари билан ўзаро таъсир қилади ва коллаген макромолекуласи иккита чизиқли полисахарид макромолекулалари орасида жойлашади. Шунинг учун, юқорида таъкидланганидек, ХЗ/коллаген/Na-КМЦ комплексларида компонентлар - хитозан, коллаген ва Na-КМЦ таркибининг ўзгариши билан динамик қовушқоқликнинг пасайиши кузатилмайди. Кўриниб турибдики, стехиоетрик нисбатларда ХЗ/коллаген=1:0,2 ва ХЗ/коллаген/Na-КМЦ=1:0,3:0,75 масса нисбатларда динамик қовушқоқлик қийматлари 19 ва 96 дПа·с ни ташкил қилади, бу бошқа ИПЭК нисбатларидан каттароқдир.

Пахта матоларини фаол ва тўғридан-тўғри бўёқлар билан бўяш жараёнида ХЗ/коллаген ПЭК дан фойдаланиш имкониятлари

Пахтани матони фаол бўёқ билан бўяш жараёнида ХЗ/коллаген ПЭК дан фойдаланиш имконияти кўрсатилган. Ишқорий муҳитда даврий усулда фаол бўёқ билан бўялган табиий пахта толасининг ранг хусусиятларига ПЭК компонентлари масса нисбатининг таъсири ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал. ИПЭК ХЗ/коллаген масса нисбатларнинг пахта мато намуналарини ранг хусусиятларига таъсири

ХЗ/коллаген, масса нисбат	Ранг кўрсаткичлари							Кўрсаткичлар, балл	
	K/S	R	L*	A	B	C	h*	Совунга	Ишқаланишга
Контроль (ишлов бермасдан)	0,7	46	81,5	0,3	35,5	35,5	89,6	3/2/2	3/3
0,2:1	1,1	38	78,6	1,7	41,0	41,0	87,6	4/4/4	5/4
1:1	1,2	37	78,9	2,2	44,0	44,0	87,1	4/4/4	5/4
1:0,2	1,4	24	72,8	9,2	54,2	55,0	80,4	4/5/5	5/4

Фаол бўёқ билан бўялган пахта матонинг ўрганилган намуналарида, шунингдек, ПЭК ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатли эритмалар билан қўшимча ишлов берилган намуналарда рангнинг тўйинганлиги (C), бошқа намуналарларга қараганда каттароқ эканлиги аниқланди. Бўёқнинг ранг тони (h*), акс эттириш коэффициенти (R) энг паст бўлиши, бу ранг интенсивлигининг ошишини кўрсатади. Ишлов берилган матоларда ёруғлик қийматлари (L*) сезиларли даражада камайиши, бу намуналарнинг ранг координаталарини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

«*Bombyx mori* хитозани асосида интерполиэлектролит комплексларнинг олиниши ва хоссалари» мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *Bombyx mori* хитозани асосида стехиометрик ва ностехиометрик бинар интерполиэлектролит комплекслар олинди, блокловчи ва лиофилловчи агентлар оптимал нисбати аниқланди. Макромолекулалар нисбатларини ўзгартириш орқали полиэлектролит комплекслар сирт қаватининг зарядини назорат қилиш имконияти кўрсатилди:

$$XZ/Na\text{-}KM\text{Ц учун } Q(-) > 1:0,34 \text{ моль } (Q(0)) < Q(+)$$

2. Бинар ва уч компонентли полиэлектролит комплексларининг гидродинамик параметрлари ўзаро таъсир вақтининг ва полиионларнинг нисбати аниқланди ва заррача диаметри диффузия коэффициентиға тескари пропорционал эканлиги аниқланди.

3. ХЗ/коллаген тадқиқ қилинган нисбатида ≤ 60 нм наноўлчамли заррачалар шаклланиши ҳамда уларнинг полимер матрица юзасида бир текис тарқалиши, яъни унимодал характерга эгаллиги аниқланди.

4. Илк бор ХЗ/коллаген/Na-КМЦ ва ХЗ/Na-КМЦ/коллаген асосида уч компонентли стехиометрик ва ностехиометрик интерполиэлектролит

комплекслар олинди ва полиионларнинг оптимал масса нисбатлари кўрсатилди.

5. Бинар ва уч компонентли ИПЭК қарама-қарши зарядланган макроионларнинг электростатик таъсирлашув ва Н-Н боғланишлар воситасида ўзаро компенсацияланиши ҳисобидан ҳосил бўлиши экспериментал натижалар орқали исботланди, шунингдек, полиэлектродитларнинг ўзаро таъсирлашиш схемаси таклиф этилди.

6. ИПЭК ХЗ/коллагеннинг пахта матоларни фаол бўёқ билан бўяш жараёнида қўллаш имконияти кўрсатилди ва ХЗ/коллаген=1:0,2 масса нисбатда пахта матоларни бўяш жараёнида қўлланилганда, ранг интенсивлиги, рангнинг совун (4/5/5) ва ишқаланишга (5/4) чидамли эканлиги кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ

ХУДОЙБЕРДИЕВ ШУХРАТ ШАМСИДДИНОВИЧ

**СИНТЕЗ И СВОЙСТВА ИНТЕРПОЛИЭЛЕКТРОЛИТНЫХ
КОМПЛЕКСОВ НА ОСНОВЕ ХИТОЗАНА *BOMBUX MORI***

02.00.06 – Высокмолекулярные соединения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/K278.

Диссертационная работа выполнена в Институте химии и физики полимеров
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Вохидова Нойира Рахимовна**
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Каримов Аминжон Каримович**
доктор химических наук, профессор
Инагамов Собитжон Якубжанович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Наманганский Государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7б. Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № _____ (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри 7^б, Тел. (99871) 241-85-94)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2022 года).

С.Ш. Рашидова
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор, академик

М.М. Усманова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.х.н., старший научный сотрудник

А.А. Атаханов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире возрастает потребность к интерполиэлектролитным комплексам (ИПЭК) хитозана с полианионами и полиамфолитами, которые эффективно применяются в медицине, агропромышленном комплексе, текстильной промышленности и др. отраслях.

В настоящее время активно ведутся исследования по получению ИПЭК, изучению их физико-химических свойств и созданию на их основе новых видов перспективных препаратов. В связи с этим, изучение фундаментальной основы получения бинарных и трехкомпонентных комплексов, особенностей их взаимодействия, регулирование заряда поверхностного слоя ИПЭК, а также создание нетоксичных полимерных материалов и поиск областей их применения является актуальной задачей.

В этом свете, в Республике принимаются комплексные меры по утилизации промышленных отходов и созданию на их основе эффективных, импортозамещающих и экспортоориентированных продукции для экономического роста и научно-обоснованной поддержки местного производства, достижения значительных результатов в производстве конкурентоспособной полимерной продукции. В «Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»¹ намечены задачи по «...производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...». В связи с этим, актуальны фундаментально-прикладные исследования, направленные на получение бинарных и трехкомпонентных ИПЭК, которые могут быть использованы в текстильной промышленности для повышения прочности и интенсивности окраски хлопчатобумажных и шелковых тканей.

Настоящая диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, поставленных Указом Президента РУз УП-4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию РУз», Постановлениями Президента РУз ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по совершенствованию деятельности АН РУз, организации НИР, управление и финансирование» и ПП-4805 от 12 августа 2020 года ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира пристальное внимание исследователей направлено на получение интерполиэлектролитных

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

комплексов на основе природных и синтетических полиэлектролитов, а также изучению их комплексных свойств и практического применения. Огромное число публикуемых изданий, в основном, посвящены получению ИПЭК, применяемых в качестве полимерной матрицы для адресной доставки лекарственных веществ, структурообразователя почвы и др. целях. В частности, зарубежными учеными, в числе Краюхиной М.А., Паламарчукой И.А., Савицкой Т.А., Lewandowska K., Hua Y., Rubina M.S., Mun L.S., Widiyanti P., Бежина А.И., Elango J., Gopinathan J., Бектурова Е.А., Ярославова А.А., Изумрудова В.А., Кудайбергенова С.Е., Пановой И.Г. и др. ведутся систематические исследования по современным фундаментально-прикладным аспектам полиэлектролитных комплексов.

В Узбекистане аналогичные исследования по полимерным комплексам ведутся под руководством д.х.н., академика АН РУз Рашидовой С.Ш., д.х.н., проф. Мухаммедова Г.И., д.х.н., проф. Акбарова Х.И., д.х.н., проф. Мухамедиева М.Г., д.т.н., проф. Инагамова С.Я., к.х.н., доц. Кадырханова М.С. и др., что, соответственно, вносит вклад в решении научных проблем и создания оригинальных препаратов для различных отраслей народного хозяйства.

Следует отметить, что в настоящее время особенности получения бинарных и трехкомпонентных полиэлектролитных комплексов на основе ХЗ, коллагена и Na-КМЦ, влияние условий реакции на их физико-химические свойства, а также на гидродинамические и реологические характеристики, корреляция между «синтез-структура-свойства» изучено недостаточно. Фундаментальные исследования в этой области открывают перспективы в создании нетоксичных полимерных препаратов для текстильной промышленности и медицинской практики.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в соответствии с научно-исследовательскими планами лаборатории «Интерполиэлектролитные комплексы и металлополимеры» Института химии и физики полимеров Академии наук Республики Узбекистан.

Целью исследования являлся синтез стехиометрических и нестехиометрических бинарных и трехкомпонентных интерполиэлектролитных комплексов на основе хитозана *Bombyx mori*, выявление особенностей комплексообразования, изучение их физико-химических свойств и поиск областей применения.

Задачи исследования:

исследование влияния соотношений лиофилизующих и блокирующих полиэлектролитов на гидродинамический размер частиц, а также на регулирование заряда поверхностного слоя ИПЭК;

исследование гидродинамических, реологических и термических характеристик бинарных и трехкомпонентных полиэлектролитных комплексов;

установление оптимальных условий получения бинарных и трехкомпонентных стабильных ИПЭК на основе хитозана *Bombyx mori* при pH=6,3 в среде ацетатного буфера;

выявление взаимосвязи «синтез-структура-свойства» на основе изучения физико-химических свойств синтезированных ИПЭК и поиск возможных направлений применения бинарных комплексов в текстильной промышленности в процессе окрашивания и печатания хлопчатобумажных тканей.

